

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI  
MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASINING  
AXBOROT-TAHLILIY VA ILMIY-AMALIY JURNALI

ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКИЙ  
И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ  
ГОСУДАРСТВЕННОГО КОМИТЕТА  
ПО ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЕ  
ОКРУЖАЮЩЕЙ  
СРЕДЫ

INFORMATION-ANALYTICAL AND SCIENTIFIC-  
PRACTICAL JOURNAL OF STATE COMMITTEE  
ON ECOLOGY AND ENVIRONMENTAL  
PROTECTION OF UZBEKISTAN

ISSN 2010-703X  
9 7772 010 703004  
№9(221)2019

# EKOLOGIYA


ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА  
ECOLOGICAL HERALD OF UZBEKISTAN

XABARNOMASI



**O'zbekiston Respublikasi  
Ekologiya va atrof-muhitni  
muhofaza qilish davlat qo'mitasi**

**Государственный комитет  
Республики Узбекистан  
по экологии и охране  
окружающей среды**



**Муассис:**  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-  
мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

Таҳрир кенгаши раиси  
Б. ҚУЧҚОРОВ

Таҳрир кенгаши аъзолари:  
Б. ТАЖИЕВ,  
С. САЙДАЛИЕВ,  
К. ТОЖИБОЕВ,  
Б. ХОЛМАТОВ,  
Х. ПУЛАТОВ,  
А. ХОЛМУРОДОВ,  
Б. НИШОНОВ,  
С. МУХТОРАЛИЕВ

Бош муҳаррир в.в.б.:  
С. МУХТОРАЛИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари ва масъул котиб:  
Г. МЕНГЗИЯЕВА

Навбатчи муҳаррир:  
С. МАМИРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:  
О. ДЖУМАКУЛОВА

Нашр Ўзбекистон Республикаси Олий  
аттестация комиссиясининг рўйхатига  
киритилган.

Обуна индекси: 910

Таҳририят манзили: 100185 Тошкент шаҳар,  
Бунёдкор шоҳ кӯчаси, 7а-үй.  
[www.econews.uz](http://www.econews.uz)  
E-mail: [chinorenk@umail.uz](mailto:chinorenk@umail.uz)

Таҳририят фикри муаллифлар фикри билан  
тўғри келмаслиги мумкин.

2008 йил 7 марта Узбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан рўйхатга  
олинган.

Рўйхатга олиши рақами №0515

Босиша руҳсат этилди  
Формати 60x84<sup>1/2</sup>.

Табори 7 б.т.

Адади

Буюртма № \_\_\_\_

Баҳоси келишилган нарҳда.

"ECO TEXTILE PRODUCT" МЧЖ  
босмахонасида оффсет усулида чоп этилди  
Матбаа гувоҳномаси рақами № 10-3632  
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
Тошкент Автомобиль ҳалқа йўли, 11-км, 10 ўй

### ГИПОТЕЗАЛАР-ТАДҚИҚОТЛАР-ИХТИРОЛАР

Ф. ЖУМАЕВ

2 Ўзбекистонда Ўрта Осиё чўл тошбақасининг тарқалиши, сонини  
чекловчи омиллар ва муҳофазаси

О. БОЙНАЗАРОВ, Ш. ХОЛТУРАЕВ, Ч. УЛУГОВ

4 Ўрта толали "Порлок-1" гўза навининг сугориш тартиби ва кўчат  
қалинлигининг ҳосилдорликка таъсири

Н. БАКИРОВ, З. НОВИЦКИЙ, А. ХАМЗАЕВ

6 Перспективы возрождения осущенного дна Аральского моря  
Ж. РАҲМОНОВ, И. ИСАМИДИНОВ, А. МАМБЕТНАЗАРОВ

8 Мошнинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши уруғ дорилагич  
препаратларнинг самарарадорлиги  
Н. ГАДАЕВ

10 Использование интерполимерных комплексов для улучшения  
милиоративного состояния земель  
И. ТҮЙНАЗАРОВА

12 Қишлоқ ҳўжалигига ишлатиладиган пестицидларнинг атроф-муҳитга  
зараҳи таъсирини камайтириш  
Б. ХАЛИҚОВ, С. АБДУРАҲМОНОВ, И. АБДУЛЛАЕВ, Д. ТУНГУШОВА

14 Кузги буғдой дон ҳосилдорлиги ва бентонит лойқаси  
Ш. ШОЭРГАШОВА, О. ЭРГАШЕВ, Ф. ЭРМАМАТОВ

16 Корреляционные взаимозависимости между температурой и  
концентрацией форм азота в воде реки Чирчик  
Э. МАТЯҚУБОВА, М. ХАЛИКОВА, Х. САЙДАЛИЕВ

20 G. *Barbadense* I. турига мансуб коллекция намуналарининг  
бир ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича таҳлили  
Ж. МИРЗАЕВ, Р. КУЛМАТОВ, А. ТАЙЛОҚОВ, С. ОДИЛОВ, Н. ЖУМАЕВА

22 Иқлим ўзгариши шароитида Жиззах вилояти сугориладиган  
майдонларида юзага келган коллектор-дренаж сувларининг  
миқдор ва сифатини ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини  
баҳолаш  
С. ДУСТНАЗАРОВА

26 Экологическое право как форма социально-нормативной  
организации управления природопользованием и охраной  
окружающей среды

С. НИЗАМОВ, Х. РИСКИЕВА, Х. КАРИМОВ, М. МИРСОДИҚОВ

29 Токсикантларнинг тупроқнинг агрокимёвий ҳолати ва  
микроорганизмлар миқдорига таъсири  
А. ХАЙДАРОВ, М. КАРИМОВ, Ш. ХОЛТУРАЕВ

34 Эртаги картошка ва қарамнинг тупроқ таркибидаги озиқ моддалар  
миқдорига таъсири  
С. БОЛТАЕВ, Н. РАЖАБОВ, О. БОЙНАЗАРОВ

37 Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида  
ингичка толали "СТ-1651" гўза навининг мақбул сув-озуқа меъёрлари  
ва сугориш тартиблари  
Б. МАМУТОВ, Е. БУТКОВ, М. ХАСАНОВА, М. ИНОМОВА

40 Влияние способов полива на рост и приживаемость сеянцев сосны  
крымской при выращивании в контейнерах с закрытой корневой  
системой  
Ф. ХАСАНОВА, И. КАРАБАЕВ, Н. ЎРАЗМАТОВ

42 Ерга турли усулларда ишлов беришнинг тупроқ агрофизиковий  
хоссаларига ҳамда ангизга экилган соянинг ҳосилдорлигига таъсири  
Э. БЕРДИЕВ, Ф. ЧОРШАНБИЕВ

45 Кўкаламзорлаштириш учун доимий яшил манзарали буталар  
Ў. ҲАКИМОВ, Ш. КОДИРОВА, Д. ОЛЖАЕВ, Ш. ҚЎЙЛИЕВА

48 Павловния – янги муқобил энергия манбаси сифатида  
Б. АМАНОВ

50 Сугориладиган майдонларда сугоришнинг тежамкор  
технологияларини яратишнинг асосий йўналишлари  
А. ХАМЗАЕВ, Х. ТАЛИПОВ

52 Кўчма қўмлар талафоти ва уларга қарши кураш бўйича олиб  
борилаётган ишлар  
М. НИЗОМОВА, Н. ИРИСМЕТОВА

54 Алоэ доривор ўсимлигининг ҳосилдорлиги

ТУРФА ОЛАМ

56 Ҳайвонот оламидан 10 саволга 10 жавоб

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ "СТ-1651" ФЎЗА НАВИНИНГ МАҚБУЛ СУВ-ОЗУҚА МЕЪЁРЛАРИ ВА СУГОРИШ ТАРТИБЛАРИ**

**С. БОЛТАЕВ,** Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Н. РАЖАБОВ,** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти доценти, қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа доктори (PhD)

**О. БОЙНАЗАРОВ,** Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Мамлакатимиздаги пахта экини майдонларининг 7 фоизи Сурхондарё вилояти улушига тўғри келади. Вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 85-90 фоизи пахта ва ғалла-дон етиштиришга, 6-7 фоизи чорвачиликка, 5-6 фоизи боғдорчилик ва сабзавотчилик каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Воҳа деҳқонлари юртимизда етиштириладиган пахта ва ғалланинг 8-9 фоизини, мева ва сабзавотнинг 11 фоиздан зиёдини етказиб бермоқда.

Ўзбекистон жаҳондаги асосий пахта етиштирувчи мамлакатлардан бири ҳисобланиб, юртимизда ҳар йили қарийб 3,3-3,4 млн тонна пахта хомашёси етиштирилаётгани сир эмас. Ҳозирги кунда мамлакатимиз пахтачилигида катта майдонларда, асосан, ўрта толали фўза навлари парва-

ришланмоқда, аммо ўз пайтида жанубий минтақа – Сурхондарё вилоятида ингичка толали фўза навлари етиштириш ҳам алоҳида аҳамият касб этган. МДҲ мамлакатларида 315 минг тоннадан ортиқ, АҚШда 116 минг тонна, Хитойда 36 минг тонна, Исройлда 31 минг тонна, Перуда 24 минг тонна, Мисрда 295 минг тонна, Австралияда 314 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилмоқда.

Республикамизда селекционер олимларимиз томонидан яратилган ҳар бир янги ва истиқболли фўза навларининг катта майдонларга экилишини жорий қилишдан аввал шу навнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақбул парваришлаш агротадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш талаб этилади ва шу агротадбирлар мажмуасига қатъий амал



қилингандагина ҳар қандай янги ва истиқболли ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиниши мумкин. Ғўза навлари парваришида пахта ҳосилини ҳал қилувчи асосий агротадбирлардан бири суфориш ва озиқлантиришdir. Юқоридаги муаммоларни инобатга олиб, Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида ингичка толали "СТ-1651" ғўза навининг мақбул суфориш ва озиқлантириш тартибларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадида 2017 йилда илмий тадқиқот тажрибалари олиб борилди.

Сурхондарё вилоятининг типик оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўтказилган тажрибаларимизда тупроқнинг унумдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда икки хил маъданли ўғитлар меъёрларида N-180; P-120; K-90 ва N-230; P-160; K-115 кг/га, икки хил суфориш тартибида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-65%; 70-75-65% да икки хил кўчкат қалинлигига гектарига 80-90 ва 110-120 минг туп мидорида ўрганилди.

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири унинг агрофизик хусусиятларидир, яъни: чекланган дала намлик сифими (ЧДНС), сув ўтказувчанлиги, ҳажм оғирлиги, фоваклиги, донадорлиги. Ўсимликларнинг сув озуқа тартиблари тупроқ агрофизик хусусиятларига узвий

боғлиқлиги дала тажрибалари асосида ўрганилиб, ўрганилган ғўза навларидан юқори ҳосил олишга эришилди. Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида тупроқ ҳажм оғирлиги баҳорда ҳайдов 0-30 см қатламида 1,31-1,32 г/см<sup>3</sup>, 30-50 см қатламда 1,34-1,34 г/см<sup>3</sup>, 0-70 см қатламда 1,36-1,37 г/см<sup>3</sup>, 0-100 см қатламда 1,37-1,37 г/см<sup>3</sup> бўлди. Амал-ўсув даври охирида ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича суфориш тартиби 65-65-65 % да суфорилган вариантларда ҳайдов 0-30 см қатламида 0,4 г/см<sup>3</sup>, 30-50 см қатламда 0,5 г/см<sup>3</sup>, 0-70 см қатламда 0,5 г/см<sup>3</sup>, 0-100 см қатламда 0,4 г/см<sup>3</sup> суфорилган тартиби 70-75-65% да суфорилган вариантларда ҳайдов 0-30 см қатламида 0,4 г/см<sup>3</sup>, 30-50 см қатламда 0,6 г/см<sup>3</sup>, 0-70 см қатламда 0,5 г/см<sup>3</sup>, 0-100 см қатламда 0,4 г/см<sup>3</sup> ошганлиги кузатилди. Суфориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-65 % бўлганда 70-75-65 % да тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов ва ҳайдов остки қатламида 0,1 г/см<sup>3</sup> фарқланди. Олиб борилган тадқиқот ишларининг таҳлили натижасида шу нарса маълум бўлди, ҳар бир ўтказилган агротехник тадбирлар натижасида мавсум охирида ҳажм оғирлигининг озроқ фарқланиши кузатилди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соатлик кузатув асосида аниқланди. 2016 йил ўтка-

#### 1-жадвал

Сув, ўғит ва кўчкат қалинлигининг ингичка толали "СТ-1651" ғўза нави ҳосилдорлигига таъсири

В	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Кўчкат қалинлиги минг/туп	Суфоришлар сони ва меъёри м <sup>3</sup> /га 2017 йил			Суфориш тизими	Мавсум давомида сарфланган сув меъёри, м <sup>3</sup> /га	2017 йил ҳосили	1ц ҳосил олиш учун кетган сув сарфи м <sup>3</sup> /ц
		N	P	K		1-сув	2-сув	3-сув				
Тупроқнинг ЧДНС 65-65-65 % намлиқда												
1	65-65-65	180	120	90	80-90	1250	1000	27,4	0-2-0	2250	23,8	94,5
2				110-120								
3		230	160	115	80-90						27,9	80,6
4				110-120								
Тупроқнинг ЧДНС 70-75-65 % намлиқда												
5	70-75-65	180	120	90	80-90	1180	950	700	0-2-1	2830	26,2	108,0
6				110-120								
7		230	160	115	80-90						32,9	86,0
8				110-120								

зилган тажриба даласида мавсум бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилияти аниқланди. Тажриба даласи тупроғининг 65-65-65% ва 70-75-65 % да сув ўтказувчанлиги бошланиши 1-соатда 342-335 мм/соат оралиғида, 6 соат давомида 776-740 мм/соат, ўртача 1 соатда 129,3-123,3 мм/соат оралиғида бўлди. Амал дари охирига келиб 6 соат давомида амал даври бошига нисбатан 65-65-65% да 168 м<sup>3</sup>/га, 70-75-65% да эса 166 м<sup>3</sup>/га, сув ўтказгандиги аниқланди. Тадқиқот натижасида шудай қонуният кузатилди, яъни суғориш тартиби 65-65-60% дан 70-75-60% га ошиши билан тупроқнинг ҳажм оғирлиги ортиши ва сув ўтказувчанлиги камайиши кузатилди.

"СТ-1651" фўза нави йил давомида 65-65-60% да суғориш тизими 0-2-0, бўйича 5 марта 70-75-65 % да суғориш тизими 0-2-1 бўйича 3 марта суғорилди.

Сув озуқа меъёрлари ва суғориш тартибининг пахта ҳосилдорлигига таъсири бўйича қўйидаги кўрсаткичларга эга бўлди. "СТ-1651" фўза навини суғориш тизими 0-2-0 да, ўғитлар N-180; P-120; K-90 кг/га меъёрида қўлланилганда кўчат қалинлиги 80-90 минг тупда 23,8 ц/га, гектарига 110-120 минг туп қолдирилганда 27,4 ц/га пахта ҳосили олинди. Маъданли ўғитлар меъёри N-230; P-160; K-115 кг/га қўлланилганда кўчат қалинлиги 80-90 минг тупда 27,9 ц/га, гектарига 110-120 минг туп қолдирилганда 31,7 ц/га ни ташкил қилди.

Суғориш тизими 0-2-1 да ўғитлар N-180; P-120; K-90 кг/га меъёрида қўлланилганда кўчат қалинлиги 80-90 минг тупда 2,4 ц/га, гектарига 110-120 минг туп қолдирилганда 2,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди. Маъданли ўғитлар меъёри N-230; P-160; K-115 кг/га қўлланилганда кўчат қалинлиги 80-90 минг тупда 5,0 ц/га, гектарига 110-120 минг туп қолдирилганда 5,2 ц/га юқори ҳосил олинди (1-жадвал).

Бундан кўриниб турибдики, энг юқори ҳосилдорлик тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % бўлиб, ўғитлар N-230; P-160; K-115 кг/га меъёрида қўлланилганда кузатилди.

Демак, тажриба натижалари асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида янги ингичка толали СТ-1651 фўза нави учун энг мақбул сув ўғит ва кўчат қалинлиги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % бўлиб, ўғитлар N-230; P-160; K-115 кг/га эканлиги аниқланди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Авлиёқулов А.Э., Янгиистикболли ўрта-ингичка толали фўза навлари парвариши бўйича тавсиянома. – Т., - 2013. 1-45 б.
2. Авлиёқулов А.Э., Батталов А., ва бошқалар. "Бухоро-6" нави парвариши. «Ўзбекистон Кишлоқ хўжалиги» журнали. Тошкент, 5-сон, 2003, 11-12 бет.
3. Авлиёқулов А.Э Жаҳон мамлакатлари пахтчилиги, ЎзРҚСХВ, «Агросаноат ахбороти» Ҳ.Ж, 02.42.98-билдириш. Тошкент, 1998й.- Б. 1-6.
4. Авлиёқулов А.Э Истиқболли фўза навлари ва уларни етиштириш технологияси. Халқаро анжуман маъruzalariining қисқача матнлари. «Пахта мажмуидаги зироатларни етиштириш технологиясининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари». ЎзҚСХВ, ЎзПИТИ, Фарғона ш, 20-22 август, 1996й- Б.30-33.
5. Ботиров Ш.Ч. Сайдмуродова М. Тошкент вилояти типик бўз тупроқларида фўзанинг "Денов" нави сув-озуқа меъёрлари ва суғориш тартиби //Фермер хўжаликларида пахтчилик ва фаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маъruzalari асосидаги мақолалар тўплами. - Тошкент, 2006 й.- Б. 295-296.
6. Хатамов С.Р. Оч тусли бўз тупроқлар унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига органо-маъдан компост ҳамда ўғитлар меъёрларининг таъсири. Қ.х.ф.ф.доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати, Тошкент, 2018 й. 20 бет.
7. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент-2007. Б. 1-146.